

**«ТАСДИҚЛАНГАН»  
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ  
Акциядорларининг навбатдан ташқари  
умумий йиғилиши**

Умумий йиғилиши Раиси  
  
С. Гуломов

2014 йил 13 сентябр  
31 - сонли баённома

**“ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ”  
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ  
БОШҚАРУВИ ТЎҒРИСИДАГИ  
НИЗОМ  
(янги тахрирда)**

Тошкент - 2014 йил

## I. Умумий қисм

1.1. Мазкур Низом “Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда – “Банк”) Бошқарувининг мақомини белгилайди ва унинг ишини, аъзоларини тайинлаш тартибини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади.

1.2. Низом “Акциядорлик жамиятлари ва акциядоларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Банк Уставига ва бошқа амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Банк Бошқаруви Банкнинг коллегиял ижроия органи бўлиб ҳисобланади ва Банкнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиб, унинг натижалари учун жавобгардир.

1.4. Банк Бошқаруви Банкнинг Акциядорлар умумий йиғилишига ва Банк Кенгашига ҳисобдордир.

1.5. Бошқарув Раиси Банк Бошқарувига раҳбарлик қилади. Бошқарув таркибига Раисдан ташқари лавозим бўйича Бошқарув Раиси ўринбосарлари, Банкнинг бош бухгалтери, шунингдек Бош Банкнинг асосий таркибий бўлинма (департамент ва бошқарма)лари бошлиқлари қиради.

## II. Банк Бошқарувини ташкил қилиш тартиби

2.1. Банк Кенгаши Банк Бошқарувининг миқдорий таркибини, бир киши бошқариш вазифаларини ижро этишининг энг юқори имкон даражаси, бошқаришга ҳаражатларни қисқартириш тамойилларидан келиб чиқиб белгилайди. Банк Бошқаруви аъзоларининг сони 7 (етти) кишидан иборат бўлади.

2.2. Банк Бошқарувининг миқдорий ва шахсий таркиби бўйича қарорлар Акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланган Банк Кенгаши умумий таркибининг оддий кўпчилик овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

2.3. Бошқарув аъзоларининг аввалги таркиби Банк Кенгаши томонидан Бошқарувнинг янги таркибига чекланмаган маротаба тайинланишлари мумкин.

2.4. Бошқарув аъзоларининг тайинланиши: Бошқарув Раиси, унинг ўринбосарлари, Банкнинг бош бухгалтери номзодлари аввал Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда Банк Кенгаши томонидан амалга оширилади. Бошқарувнинг бошқа аъзоларини Банкнинг бошқа таркибий бўлинмалари раҳбарлари ёки юқори малакали мутахассислари таркибидан Бошқарув Раисининг тақдимига кўра Банк Кенгаши томонидан тайинланади. Номзодлар коида бўйича, банк тизимида уч йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши керак.

2.5. Бошқарув аъзолигига номзодларни Банк Кенгаши томонидан кўриб чиқиш яққа тартибда номзод иштироқида амалга оширилади. Банк Бошқаруви аъзолигига номзод ўз таржимаи ҳолидаги Банк Бошқарувининг аъзоси лавозимини эгаллашга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган маълумотларни Банк Кенгаши аъзоларига ошкор қилиши шарт.

2.6. Банк Бошқаруви аъзолигига номзодлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг раҳбар ходимларига кўйиладиган талабларга мос келишлари лозим.

2.7. Банк Бошқаруви аъзолигига қуйидаги шахслар тайинланмайди:  
олий маълумоти бўлмаган;

етарли даражада банк ва хўжалик қонунчилиги билимларига эга бўлмаган; судланган ёки аввал ўзининг қасддан содир этилган ғаразли жиноятлар учун судланган;

аввал банкротликка учраган юридик шахсга раҳбар бўлган бўлса.

2.8. Банк Кенгашининг Раиси Банк Бошқаруви таркибига номзод кўрсатар экан, бу ҳақда Кенгашга битим тузиш шартлари, бошқариш фаолиятини мукофотлаш ва номзоднинг битим тузиш бўйича аризаси билан тасдиқланган розилиги ҳақида маълум қилади.

Бошқарув Раиси билан Банк номидан шартномани Кенгаш Раиси ёки Кенгаш ваколат берган шахс имзолайди. Бошқарув Раиси ўринбосари ва Бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномасини Банк номидан Бошқарув Раиси имзолайди.

Бошқарув Раиси ва Бошқарув аъзорлари билан шартнома Акциядорларнинг умумий йиғилишининг қарори асосида 1 (бир) йил муддатга тузилади. Шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ва (кайта тузиш) ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисида ҳар йили Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилинади.

Имзоланган шартномада Банк фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тайинланаётган мансабдор шахсларнинг мажбуриятлари ва уларнинг Акциядорлар умумий йиғилиш олдидаги ҳисоботларининг даврийлиги кўзда тутилган бўлиши лозим.

2.9. Бошқарув аъзолари лавозим йўриқномаси томонидан белгилаб берилган ваколатлар, улар билан тузилган меҳнат шартномаси шартлари, Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Банк Кенгаши ва Бошқаруви қарорлари ва Бошқарув Раисининг кўрсатмалари доирасида иш тутади.

Бошқарув Раиси ва аъзоларини моддий рағбатлантириш Банк фаолияти самарадорлигига қараб амалга оширилади.

2.10. Бошқарув аъзолигига номзодлар ўзларининг номзодлари кўриб чиқилаётганда акциядорлар умумий йиғилиши томонидан ёки Банк Кенгаши мажлисида қатнашишлари мумкин.

2.11. Банк Кенгаши Банк Бошқаруви Раиси ва Бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани, агар шартнома тузишда улар Банк Уставини қўпол тарзда бузишга йўл қўйган бўлса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Банкка зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

2.12. Бошқарув аъзоси Устав, шунингдек шартнома шартларини бузганлиги учун бир вақтнинг ўзида шартнома бекор қилинган ҳолда эгаллаб турган лавозимидан чакириб олиниши мумкин. Банк Бошқаруви аъзосини чакириб олиш ва у билан тузилган шартномани бекор қилиш ҳақидаги қарор қўпчилик овоз билан Банк Кенгаши томонидан қабул қилинади.

2.13. Банк Бошқарувининг Раиси бирор мутахассисни Банк Бошқарувидаги бўш лавозим бўйича мажбуриятларни то Банк Кенгашининг навбатдаги мажлисигача бажариш учун вақтинчалик тайинлашга ҳақли.

2.14. Банк Бошқарувининг Раиси Бошқарув таркибига қўшимча номзодлар киритиш ёки Банк фаолиятидаги ўзгаришлар муносабати билан унинг миқдорий таркибини қисқартириш ва бошқа ҳолатлар юзасидан ҳамда Бошқарув таркибидан айрим аъзоларни чиқариш бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

2.15. Банк Бошқарувининг аъзосини вазифасидан озод қилиш Банк Кенгаши томонидан қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

ихтиёрий равишда ўз ваколатини топширганда;  
Банк Бошқарувининг аъзоси мазкур Низомда баён қилинган ўз ваколат ва мажбуриятларини бажармаганда;  
Марказий Банкнинг тегишли кўрсатмаси олинганда;  
қасддан содир этилган ғаразли жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилганлиги тўғрисида маълумот олинганда;  
Бошқарув аъзоси вазифаларини бажариш тўғрисида Банк билан битим тузиш жараёнида ушбу Низомнинг 2.7-бандида кўрсатилган маълумотларни яширганда.  
Бунда Бошқарув аъзосига қўйилаётган эътирозлар диққат билан ва ҳолис тарзда кўриб чиқирилиши таъминланиши лозим.

### **III. Банк Бошқарувининг ваколатлари**

3.1. Банк Бошқарувининг ваколатларига Банк жорий фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради. Акциядорлар умумий йигилишининг мутлақ ваколатларига ёки Банк Кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно. Бошқарув Банк Низоми асосида ҳаракат қилиб акциядорлар Умумий йигилиши ва Банк Кенгашида қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини ташкил этади.

3.2. Банк Бошқаруви мажбуриятларига қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси қонунларига риоя этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Марказий банкнинг қарорлари ва меъёрий ҳужжатларини ижро этиш;

мижозларнинг пул маблағларини ишончли жойлаштириш, кредит бериш, тўловларни ўтказиш ва бошқа банк хизматларини кўрсатишда мижозлар эҳтиёжини қондириш бўйича ишларни ташкил этиш;

амалга оширилаётган банк операцияларидан энг юқори миқдорда ва барқарор фойда олиш;

лозим даражада ҳисобга олиш ва ҳисоботни таъминлаш;

кредит ҳужжатларини юритиш тартибига риоя этиш;

Банк активларини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши муносабат равишда заҳира ташкил этиш;

ички аудит тизимининг фаолият кўрсатиши, Банк ўтказётган операцияларнинг ҳажми ва мураккаблигига ички аудитнинг мувофиқ бўлиши учун шароит яратиш.

3.3. Бошқарув қуйидаги масалалар бўйича қарор қабул қилиб уларни Банк Кенгашига кўриб чиқиш, тасдиқлаш ёки қелишиб олиш учун киритади:

Кредитлаш, актив ва пассивларни бошқариш, инвестицияларни амалга ошириш ва мижозларга янги хизмат турлари кўрсатиш, Банкни ривожлантириш стратегияси бўйича Банк сиёсатининг асосий йўналишлари;

Банкнинг бир йилгача муддатга бўлган кредит сиёсати;

Устав фондини қўпайтириш ёки камайитириш чоралари;

Банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар;

эълон қилинган акцияларнинг энг юқори миқдорини белгилаш;

Банкни қайта ташкил этиш лойиҳалари;

Банкнинг йиллик ҳисоботлари, бухгалтерия баланслари, фойда ва зарарлар ҳақида ҳисоботлар, фойдани тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартиби;

Банкнинг ҳаражатлари ҳақида ҳисоботлар ва уларни Бизнес-режа билан

киёслаш;

акциялар бўйича йиллик ва оралик дивидендларнинг ҳажми ва уларни тўлаш тартиби тўғрисида таклифлар;

ўз акцияларини сотиб олиш (Марказий банк билан келишган ҳолда), акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни харид қилишда акциядорларнинг имтиёзли ҳуқуқидан фойдаланмаслик ҳақида қарор қабул қилиш бўйича уларни бўлиш ва жамлаш (уларни очиқ, имзолаш воситасида жойлаштириш ҳолларида), шунингдек бундай қарорнинг амал қилиш муддати ҳақида;

Банкнинг ташқи аудиторини танлаш ва хизмат тўловининг миқдори;

Банк акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари Умумий йиғилишларини чақириш;

Банкнинг облигациялари ва бошқа қарз мажбуриятларини чиқариш;

Банк мулкнинг бозор қийматини аниқлаш (шу жумладан мулкни гаровга беришда);

Банкнинг захира ва бошқа фондларини ишлатиш;

Мижозлар ва бошқа банклар зараридан қайтарилишига умид бўлмаган қарзларни Банк баланси ҳисобидан чиқариш;

Қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлардан келиб чиққан ҳолда, Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши, Банк Кенгаши ва Бошқаруви ҳақидаги Низомларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар лойиҳаси;

Банк ички аудити ҳақидаги Низом лойиҳаси;

Ички аудит хизмати раҳбари номзоди юзасидан таклифлар;

Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари бўйича бошқа кўчмас мулк тоифасига киритилган кўчмас мулкдан банк томонидан сотиб олингандан сўнг бир йил муддат ўтгач фойдаланиш;

бошқа кўчмас мулк каторига ўтказилган мол-мулкни баҳолашга қаратилган сиёсат ва жараёнларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Банкнинг инвестиция сиёсати тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш;

Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармасига ажратмалар миқдори юзасидан таклиф;

Банкнинг Қўмиталари тўғрисидаги низомлар лойиҳалари;

Банкнинг эмиссия сиёсати тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш;

филиалларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ёки тугатиш, Банк ваколатхоналарини очиш, филиаллар ҳақида низомлар лойиҳаси;

шўъба банклар ва ўзига тобе хўжалик жамиятларни ташкил этиш.

3.4. Банкнинг сармоясини сақлаш ва уни банк операцияларининг миқёси ва таваккал даражасига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида, Бошқарув томонидан Банкни сармоялаш бўйича қуйидаги чораларни кўради:

шўъба банклар ва ўзига қарашли жамиятларни ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган ҳажмдаги эҳтимолий йўқотишларга қарши махсус захираларни ташкил этиш;

Марказий банк белгилагандан юқори бўлмаган банк таваккали даражасини таъминлаш;

Банк акцияларини белгиланган тартибда жойлаштириш;

Банкнинг сармоя ва умумий захирасини етарли даражада сақлаб туриш;

3.5. Бошқарув Банкни ривожлантириш бизнес-режаси лойиҳасини Банк Кенгашида тасдиқлаштириш учун тайёрлайди ва киритади (мустақил равишда, шунингдек четдан маслаҳатчи ва экспертларни жалб этган ҳолда). Бизнес-режа

лойихасида қуйидагилар акс эттирилади:

кредитлаш ҳақида қарор қабул қилиш сиёсати;  
кредитларни назорат қилиш тартиби;  
пассивлар ва активлар тузилишини бошқариш;  
инвестициялаш тартиби;  
молиявий режа.

Бошқарув тасдиқланган бизнес-режани амалга оширишни таъминлайди ва ҳар чорақда Банк Кенгашига унинг бажарилиши ҳақида ҳисобот беради.

Банкни ривожлантиришнинг бизнес-режаси зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадида йилда бир бор кўриб чиқади.

3.6. Бошқарув вақти-вақти билан (ҳар чорақда 1 марта) Банк Кенгашига банкнинг молиявий аҳволи тўғрисида шарҳлар, ёзма ҳисоботларни, жумладан уларни яхшилашга оид тавсияларни ҳисобга олган ҳолда тақдим этади. Хусусан, қуйидаги молиявий коэффицентларга алоҳида эътибор берилади:

оддий акциялар бўйича даромад;  
умумий фоиз маржаси миқдори;  
фоиз тўлаш билан боғлиқ бўлмаган активларга нисбатан банк харажатлари;  
барча кредитларга нисбатан даргумон ва ишончсиз кредитлар улуши;  
барча кредитларга нисбатан ҳисобдан чиқарилган кредитлар улуши;  
йирик кредитлар суммаси;

Банкка алоқадор шахсларга кредитлар.

3.7. Банк Бошқарувининг ҳуқуқлари:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг лицензияларида кўзда тутилган операцияларни амалга ошириш;

Банк мулкани ва унинг сармоясини бошқариш;

Бош банкнинг таркибий бўлинмалари, филиаллар, бўлим ва ваколатхоналарнинг таркибий бўлинмаларининг фаолиятига раҳбарликни амалга ошириш;

Бош банкнинг таркибий бўлинмалари филиаллар, бўлимлар ва ваколатхоналар ходимларининг ғайри қонуний ва ноҳақ ҳаракатлари устидан акциядорлар ва мижозларнинг шикоятлари ва тақлифларини қабул қилиб олиб, кўриб чиқиш;

бутун Банк, унинг филиаллари ва фаолият йўналишлари бўйича молия-тижорат фаолияти натижаларини кўриб чиқиш;

депозитларни қабул қилиш, активларни жойлаштириш кредитлаш, ҳисобкитоблар, пул муомаласи, касса хизматини кўрсатиш, ташқи иқтисодий фаолият, банклараро шартномаларни имзолаш масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш;

банк хизматларининг янги турларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш;

аудиторлик текширувлари, тафтишлар ҳамда Банкнинг таркибий бўлинмалари ҳисоботларини кўриб чиқиш ва улар бўйича қарорлар қабул қилиш;

Банк ва мижозларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда активлар ва пассивлар бўйича операцияларнинг фоиз ставкаларини тартибга солиш;

мажбуриятлар, кредит-ҳисоб хизмати кўрсатиш, пул ва тўлов ҳужжатлари ва хат-ҳужжатларни расмийлаштиришнинг умумий шарт ва тартибини белгилаш;

Банк ликвидлигини бошқариш Сиёсатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Марказий банк ва давлат статистика органлари билан келишгандан сўнг банк тасарруфидаги муассасалар учун статистик ҳисоботни ишлаб чиқиш ва амалга киритиш;

Банк векселлари эмиссияси, айланиши ва сўндирилиши шартларини тасдиқлаш, уларни Марказий банкка рўйхатдан ўтказиш учун киритиш;

Амалиёт бошқармаси, Бош Банкнинг бошқа таркибий бўлинмалари, ваколатхоналар ва бўлимлар ҳақидаги низомларни тасдиқлаш;

банк фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида ташкил қилинадиган ассоциация ва бошқа бирлашмаларда Банкнинг иштироки ҳақида, унинг манфаатларини ҳимоялаш ва қўшма дастурларни амалга ошириш бўйича қарор қабул қилиш;

бошқа банклар, акциядорлик жамиятлари, қўшма корхоналар, инвестиция ва актив операцияларнинг даромадлигини оширишни таъминловчи бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларни таъсис этишда Банкнинг иштироки тўғрисида қарор қабул қилиш;

Банк сармояси инвестиция қилинган шўъба банкларда, акциядорлик жамиятларида, қўшма корхона ва бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларда Банкнинг ваколатини амалга ошириш ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

филиал раҳбарларини тайинлаш (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан минтакавий филиал раҳбарларини эса, шунингдек Банк Кенгаши билан келишган ҳолда);

ваколатхоналар, бўлимлар, бошқармалар, бош офис бўлинмалари ва Банк филиалларининг раҳбарларини лавозимига тайинлаш, ходимларни танлаш, тайёрлаш ва фойдаланиш, мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш тартибини белгилаш;

филиалларнинг ташкилий тузилмасини белгилаш;

банк ва тижорат сири ҳисобланган маълумотлар рўйхатини аниқлаш;

Бош банк ва филиалларнинг лавозим штатлар жадвалини тасдиқлаш;

ҳомийлик ва хайрия ёрдами (10 млн. сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда) кўрсатиш масаласини кўриб чиқиш;

Акциядорлар Умумий йиғилиши ва Банк Кенгашининг ваколатига кирмайдиган Банк фаолиятига доир бошқа масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш.

3.8. Банк Бошқаруви қуйидаги битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин:

сотиб олиш ёки ўзгалар ихтиёрига ўтказиш ёхуд умумий қиймати қарор қабул қилинган санада банк активлари қийматининг кўпи билан 15 фоизини ташкил этадиган мулкни бевосита ёки билвосита бегоналаштириш имкониятлари билан боғлиқ битимлар ёки ўзаро боғлиқ бир қанча битимлар.

Банк Бошқаруви белгиланган чегаралардан ошиб кетган битимлар бўйича ижобий қарорлар қабул қилиб, сўнгра уларни албатта Банк Кенгашида кўриб чиқиши мумкин. Агар Банк Бошқаруви ижобий қарор қабул қилмаса битимни кўриб чиқиш масаласи Банк Кенгашига киритилмайди.

3.9. Амалдаги қонунчилик ва Банк Уставига мувофиқ аффилиланган шахслар билан битим тузиш ҳақидаги қарорлар лойиҳаси бўйича таклифларни аввал Банк Бошқаруви кўриб чиқади ва Банк Кенгашига муҳокама учун киритади.

Бундай битимларни тузиш тўғрисида Банк қарорларини қабул қилиш бўйича Банк Кенгашига киритилган тавсиялар Банк Бошқарувининг аффилиланмаган аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бундай тавсияларсиз битим тузиш тўғрисидаги таклифлар Банк Кенгашига кўриб чиқиш учун киритилмайди.

3.10. Банк Бошқарувининг фаолияти Акциядорларнинг умумий йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнида, Устав капиталини ўзгартириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда, қўшимча қимматли коғозлар чиқаришда, дивиденд сиёсати бўйича, акциядорлар билан ўзаро алоқа жараёнида акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаши зарур.

3.11. Банк Бошқаруви қатъий тартибда Банк Кенгаши, акциядорларнинг Умумий йиғилишида ҳал этиш учун киритилган масалаларни албатта олдиндан кўриб чиқади ва улар бўйича тегишли материаллар ва қарор лойиҳаларини тайёрлайди. Банк Кенгаши мажлисида ва Акциядорларнинг умумий йиғилишида Бошқарув Раиси ёки вакил қилинган Банк Бошқаруви аъзоси Банк Бошқарувининг нуқтаи назари ҳақида маъруза қилади.

3.12. Бошқарув қуйидагиларни сақлаши зарур:

Банк устави, уставга киритилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартириш ва қўшимчалар, Банкни ташкил этиш тўғрисидаги қарор, давлат томонидан рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома, банк операцияларини амалга оширишга лицензиялар;

Банк балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар;

Акциядорлар умумий йиғилиши, Банк Кенгаши ва Бошқаруви тасдиқлайдиган ҳужжатлар;

филиал ва ваколатхона тўғрисидаги Низом;

йиллик молиявий ҳисобот;

акциялар эмиссияси проспекти;

бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари;

тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий ҳисобот ҳужжатлари;

Акциядорлар умумий йиғилиши, Банк Кенгаши, Тафтиш комиссияси ва Бошқарув мажлисларининг баённомалари;

акциялар сони ва тури кўрсатилган ҳолда Банкка алоқадор (аффилиланган) шахсларнинг рўйхатлари;

тафтиш комиссияси, аудитор, давлат назоратининг давлатга тегишли органлари ҳулосаси;

қонунчиликда, уставда, Банк бошқаруви органларининг қарорларида кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар.

#### IV. Банк Бошқаруви аъзосининг ҳуқуқ ва бурчлари

4.1. Бошқарув аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Бошқарув мажлисида шахсан иштирок этиш, муҳокама этилаётган масала бўйича регламентда ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш, ўз қарашларини ҳимоя қилиш;

Муайян давр мобайнида Банк тузилмалари фаолиятининг натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишонарли ахборотлар олиш;

Бошқарувда кўриб чиқиш учун Банк Бошқаруви ваколатига тегишли масалалар бўйича таклифлар киритиш;

Банк Бошқарувидаги фаолияти ва зиммасига юклатилган вазифаларни бажаргани учун меҳнат шартномасига мувофиқ муайян мукофот олиш;

4.2. Банк Бошқаруви аъзолари қуйидагиларга мажбур:

Банк ва унинг акциядорлари манфаатлари йўлида ҳаракат қилиш;



Банк обрўси, унинг ривожланиши ва молиявий барқарорлигининг мустахкамланишини оширишга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишга эришиш;

Ўз хизмат мавқеидан виждонан, ҳамда Банкнинг уставда ёзилган вазифаларини яхши бажариш йўлида фойдаланиш;

Банк Бошқаруви, Кенгаши, Тафтиш комиссияси ва аудитори эътиборига қуйидаги маълумотларни етказиш:

а) мустақил ёки ўзига қаршли шахс (шахслар) орқали овоз берувчи акция (улуш, пай)ларнинг 10% ва ундан ортиқ фоизига эгаллик қилувчи юридик шахслар тўғрисида;

б) бошқарув органларида ўзлари раҳбарлик лавозимларни эгаллаб турган юридик шахслар тўғрисида;

в) Банкнинг аффилланган шахси билан тузилиши тахмин қилинадиган ёки уларга маълум битимларда аффилланган шахс деб эътироф этилиши мумкин бўлган битимлар тўғрисида.

Банк билан битим масаласи ҳал қилинаётганда бу битимда ўзининг аффилланган шахс деб эътироф этилиши мумкин бўлса, Банк Бошқаруви мажлисида ва акциядорларнинг Умумий йиғилишида мазкур масалани ҳал этиш ва овоз беришда қатнашмаслик.

4.3. Бошқарув Раиси Банк Бошқарувининг ваколатига қирувчи масалалар бўйича мажбурият ва ваколатларни Бошқарув аъзолари ўртасида тақсимлайди.

4.4. Банк Бошқаруви аъзоларини ўз вазифаларини ижро этишлари билан боғлиқ ҳаражатларни компенсациялаш Банк Кенгаши томонидан белгиланади ва меҳнат шартномасида кўрсатиб ўтилади.

## **V. Банк Бошқаруви Раисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

5.1. Банк Бошқаруви Раиси Банкнинг олий мансабдор шахси ҳисобланиб, конунчилик, Банк Устави, мазкур Низом ва Банк Кенгашининг унга берган ваколатларига мувофиқ, Банкнинг бутун фаолиятига раҳбарлик қилади. Банк Бошқарув Раиси Банк Кенгашининг фаолиятида маслаҳат овози билан иштирок этади.

5.2. Банк Бошқарувининг Раиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Банк номидан ҳужжатларни имзолаш;

Банк номидан ишончномасиз ҳаракат қилиш, ҳисоб варақларни очиш, битимларни амалга ошириш, шартномаларни имзолаш, ишончномалар бериш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, жамоат органлари, банклар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар билан амалга ошириладиган муносабатларда Банк номидан иш кўриш;

Банкнинг барча ходимлари бажариши зарур бўлган Банк фаолиятига оид масалалар бўйича буйруқ ва фармойишлар чиқариш;

Банк Кенгаши тайинлаган шахс - Банк Бошқаруви Раисининг ўринбосари, Бошқарув аъзоси, бош бухгалтер, Банк филиалининг раҳбари билан Банк номидан меҳнат шартномаси тузиш;

ўринбосарлари ўртасида вазифа ва ваколатларни тақсимлаш;

ўз ваколатига қирувчи айрим масалаларни ҳал этишни ўзининг ўринбосарларига, Бошқарув аъзоларига, таркибий бўлинмалар раҳбарларига топшириш;

Банкнинг штат жадвалини тасдиқлаш, ходимларнинг лавозим маошларини

белгилаш;

Банк ходимларининг лавозим маошларига рағбатлантириш тўловлари ва кўшимчалар белгилаш;

ходимларни ишга тайинлаш ва бўшатиш, улар билан меҳнат шартномаларини имзолаш;

Банк ходимларини рағбатлантириш масалаларини ҳал этиш, интизомий жазоларни қўллаш.

### 5.3. Банк Бошқаруви Раисининг бурчлари:

амалдаги қонунчиликка, Марказий банк томонидан белгиланган қоида, йўриқномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя қилган ҳолда Банкнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Банк Кенгаши ва Бошқаруви қарорларининг ижросини ташкил этиш;

Банк Кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига Банк фаолияти тўғрисида ҳисоботларни тақдим этиш;

Банкнинг шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

Банкни ривожланиши учун зарур бўлган миқдорда фойда олиш, ижтимоий масалаларни ҳал этиш ва акциялар бўйича дивидендлар тўлаш;

Банкни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилиш, уларнинг ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш;

Банк фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

Банкнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг етарли ва ишончли ҳолатини ва ишончилигини ташкил этиш ва таъминлаш, Марказий банк ва тегишли органларга йиллик ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш;

акциядорлар ва матбуот органларига эълон қилишлари учун Банк фаолияти ҳақидаги молия ҳисоботларини тақдим этиш;

Банк Кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки аудитор талабига биноан Банкнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этиш;

давлат статистика ҳисоботини тегишли органларга тўла ва ўз вақтида тақдим этишни таъминлаш;

Банк ва миқозларининг банк ёки тижорат сирини ўзида мужассамлаштирган ахборотларини Банк ходимлари томонидан сир сақлаш;

Банкни малакали ходимлар билан таъминлаш, уларнинг билимлари, малакалари, тажриба ва қобилиятларидан унумли фойдаланиш чораларини кўриш; меҳнат ва технология интизомини сақлаб туриш;

Банк ходимларининг ижтимоий кафолати ва меҳнатни муҳофаза этиш талабларига риоя қилиш;

Банк Бошқаруви вакилларининг жамоа музокараларида иштирок этишини таъминлаш. Жамоа шартномаси ва битимларини тузишда иш берувчи сифатида иштирок этиш. Жамоа шартномасидаги мажбуриятларни бажариш;

Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк Кенгашига ишларнинг ҳолати ва Банк фаолияти тўғрисидаги маърузаларни белгиланган муддатларда тақдим этиш;

акциядорларнинг амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган тартибда маълумотларни олишлари, Акциядорларнинг умумий йиғилишларида иштирок этиш, дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш бўйича уларнинг ҳуқуқларига риоя этиш.

### 5.4. Бошқарув Раиси Банкка юклатилган вазифаларнинг бажарилиши,

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, Ҳукуматнинг қарор ва фармойишларининг, Марказий банк меъёрий талабларининг, Банкнинг шартномалар бўйича қабул қилган мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан шахсан жавобгардир.

Банк Бошқаруви Раисининг ҳуқуқ ва бурчлари у билан тузилган шартномада кўрсатилган.

5.5. Банк Бошқарувининг Раиси ўз жойида бўлмаган ҳолларда биринчи ўринбосари, у ҳам бўлмаган тақдирда Банк Кенгашининг қарори билан тайинланадиган ўринбосарлардан бири Бошқарув Раисининг буйруғи ёки Банк Кенгашининг қарори билан тайинланадиган ўринбосарлардан бири Банк Бошқарувининг Раиси вазифасини вақтинча бажаради.

5.6. Янги сайланган Банк Бошқаруви Раиси Банк Кенгаши Раиси иштирокида топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида муҳр, бурчак муҳр, хос иш қогозлари, хона ва сейфларнинг калитлари, ҳамда Банкнинг бошқа мол-мулки ва ҳужжатларини ўзидан аввалги раисдан қабул қилиб олади. Аввалги Бошқарув Раиси бўлмаган ҳолатларда қабул қилиш - топшириш далолатномаси Раис вазифасини вақтинча бажарувчи иштирокида тузилади.

Далолатномада Банкнинг молиявий ҳолати акс эттирилади ва албатта қуйидаги ҳужжатлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилади:

а) Марказий банкнинг ваколатли мансабдор шахси имзо чеккан, Марказий банк муҳри билан тасдиқланган, Банкнинг рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида сарварақда белги қўйилган Банк Устави;

б) Банкни ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномаси нусхаси;

в) таъсис йиғилиши баённомаси;

г) Банк Кенгаши Раиси томонидан имзоланган акциядорлар рўйхати;

д) Банкни рўйхатдан ўтказиш ва унга лицензия бериш тўғрисидаги Марказий банк Бошқарувининг қарори;

е) банк операцияларини ўтказиш учун берилган лицензиянинг асл нусхаси.

Юқорида қайд этилган ҳужжатлар Банкнинг юридик ҳужжатлар тўпламини ташкил этади ва доимо Банкнинг Юридик бошқармасида сақланади.

## VI. Банк Бошқарувининг Регламенти

6.1. Бошқарув мажлислари иш режасига мувофиқ, ойда камида бир марта ўтказилади. Бошқарув мажлислари Бошқарув Раиси ёки Бошқарувнинг камида 3 аъзосининг талабига биноан чақирилади. Зарурият тугилганда, Бошқарув Раиси навбатдан ташқари мажлис чақириши мумкин.

6.2. Мажлисларни Бошқарув Раиси, у бўлмаган тақдирда унинг ўринбосарларидан бири бошқаради.

Бошқарув мажлислари, одатда, ёпиқ ҳолда ўтказилади. Мажлис иштирокчиларининг даврасини Бошқарув Раиси белгилайди.

Бошқарув унинг мажлисида Бошқарув аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда қарор қабул қилишга ҳақли. Қарор кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлганда, Бошқарув Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Бошқарув аъзоси қабул қилинган қарордан норози бўлса, бу ҳақда Банк Кенгашига маълум қилишга ҳақли.

6.3. Бошқарув фаолиятининг режали бўлишини таъминлаш мақсадида Банк

тузилмаларининг раҳбарлари Бошқарув мажлисида кўриб чиқилиши талаб этиладиган масалаларни муддатидан аввал белгилашлари ва келгуси чорак иш режасига кўшиш учун таклифларни Бошқарув котибига 10 март, 10 июнь, 10 сентябрь ҳамда 10 декабрдан кечикмай тақдим этишлари шарт. Таклифларда масаланинг моҳияти, материални тайёрлаш учун жавобгар шахс, кўриб чиқиш муддати кўрсатилади. Таклифларга Бошқарув Раисининг васий ўринбосари имзо қўяди. Бошқарувнинг иш режаси унинг мажлисида тасдиқланади.

6.4. Бошқарув мажлисининг кун тартиби Бошқарув котиби томонидан мажлисдан камида 3 кун олдин тузилади. Масалани кун тартибига киритиш учун қуйидагилар асос бўлади:

- Бошқарувнинг иш режаси;
- Бошқарув Раисининг топшириқлари;
- Бошқарув аъзоларининг ташаббускор таклифлари;
- Тафтиш комиссиясининг таклифлари;
- Ички аудит хизмати раҳбарининг таклифлари;
- Банк ташки аудиторининг таклифлари.

Бошқарувнинг навбатдаги мажлиси кун тартибига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш, режадаги масалаларни кўриб чиқиш муддатларининг ўзгартирилиши ёки уларнинг кўриб чиқишдан олинishiга фақат Бошқарув Раисининг ёзма рухсати билан йўл қўйилади.

6.5. Бошқарув кўриб чиқиши учун масалани тайёрлашга масъул мансабдор шахс қарор лойиҳаси, маълумотнома ва унга зарур бошқа материалларни камида 5 кунгача муддатда Банк котибиятига топшириши шарт. Бошқарув мажлисига таклифлар иқтисодий ва ҳуқуқий асосга эга ва тегишли хизматлар билан келишилган бўлиши керак.

Бошқарув қарорининг лойиҳаси мазкур иш жойидаги ишлар ҳолатининг баҳоси, келгуси ва жорий вазифалар, уларни ҳал этиш йўллари, ижро муддатлари, аниқ, ижрочиларни ўз ичига олиши зарур. Ҳажм бўйича лойиҳа, қоидага кўра, 2 саҳифадан ошмаслиги лозим. Лойиҳага масалани тайёрлаган тузилма раҳбари, Бошқарув Раиси томонидан бириктирилган Раис ўринбосари ва заруриятга қараб, бошқа манфаатдор шахслар томонидан қўл қўйилади.

Муҳокамадаги масала бўйича ишлар ҳолатининг таҳлилини ўз ичига олган маълумотнома ҳажм жиҳатдан 4 саҳифадан ошмаслиги шарт. У масалани тайёрлаган тузилма раҳбари томонидан имзоланади.

Бошқарув котиби, Бошқарув аъзоларини кун тартибига мувофиқ, материаллар билан, қоидага кўра, мажлисгача камида 2 кун аввал таъминлайди.

6.6. Бошқарув мажлиси баённомасида кўрилган масалалар бўйича қабул қилинган қарорлар ёзиб борилади. Кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича овоз бериш натижалари кўрсатилади. Мажлис ўтказилган жой ва сана, Бошқарув аъзоларидан ким раислик қилганлиги ва иштирок этганлиги, ким муҳокама қилинаётган масала юзасидан сўзга чиққанлиги албатта кўрсатилади, мажлисга таклиф этилганлар санаб ўтилади. Банк ёки тижорат сири ҳисобланган масалалар бўйича тегишли ёзувлар қилинади.

Баённомага мажлисга Раислик қилувчи ва Бошқарув котиби имзо чекадилар. Баённомада ёзилган қарордан норози бўлган Бошқарув аъзоси унга ўзининг алоҳида фикрини илова қилиши мумкин.

6.7. Бошқарув қарорлари лойиҳаларини мажлисда қилинган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб, ишлаш учун раислик қилувчи масалани кўриб

чикишга киритган тегишли тузилмаларга топшириклар беради ва уларни қайта ишлаш муддатларини белгилайди. Агар мазкур муддатлар махсус белгиланмаган тақдирда, лойиҳаларни қайта ишлаш мажлисдан кейинги икки кун давомида амалга оширилади. Бошқарув аъзоларида қарор лойиҳаси бўйича турли қарашлар ва мулоҳазалар бўлмаса, у маъруза ва муҳокама этилмасдан қабул қилиниши мумкин.

6.8. Банк Бошқаруви мажлисларининг баённомаларини Бошқарув котиби олиб боради. Баённома мажлис ўтгач, 3 иш кунидан кечикмай тузилади.

Банк Бошқаруви мажлислари баённомаларининг асл нусхаси доим сақланадиган ҳужжат ҳисобланади ва у расмийлаштирилгач, архивга топширилгунга қадар Бошқарув котибида пулат жавон (сейф)да сақланади.

Баённома нусхалари (маълумот нусхалари), шунингдек қарор лойиҳалари, маълумотномалар ва уларга тегишли бошқа ахборот материаллари ҳам Бошқарув котибида сақланади. Улардан қабул қилинган қарорлар ижроси юзасидан назорат учун фойдаланилади ва Бошқарувнинг тегишли қарори назоратдан олингач, архивга топширилади ёки далолатнома бўйича йўқ қилинади.

Банк Бошқаруви мажлис баённомасининг нусхалари Бошқарув аъзоларига юборилади. Ижрочиларга Бошқарув қарорлари Бошқарув котиби томонидан баённомадан кўчирма ёки Банк бўйича буйруқ чиқариш йўли билан етказилади. Баённомадан кўчирма юбориладиган шахслар давраси (ҳужжат юбориш рўйхати) масалани кўриб чиқишга киритган тузилма томонидан белгиланади ва қарорлар лойиҳасини ишлаш пайтида Бошқарув котибига тақдим этилади.

6.9. Бошқарув қарорининг лойиҳасини тайёрлаган Банк бошқармасида (бўлимида) унинг ижроси юзасидан назорат (агар қарорнинг ўзида бошқа ҳолат кўзда тутилмаган бўлса) белгиланади. Қарорнинг қандай бажарилаётганлиги тўғрисида иш тартибида Банк Бошқаруви Раисининг тегишли ўринбосарларига ахборот бериб турилади.

Зарур ҳолда Бошқарув қарорини ижро этиш муддати Банк Бошқаруви Раисининг руҳсати билан белгиланган муддат тугашига қамада 3 кун қолганда узайтирилиши.

6.10. Банк Бошқаруви қарорларининг бажарилиш қисмида ижро интизомининг ҳолати тўғрисида ахборот йиғиш ва умумлаштириш Бошқарув котибига юклатилади. Қарорда белгиланган топширикларни ижро этиш муддати тугагач, аммо чоракда қамада бир марта, Банк бошқармалари (бўлимлари) Бошқарув котибига кейинчалик Бошқарув Раисига етказиш учун қабул қилинган қарорлар ижроси тўғрисида ахборот тақдим этадилар. Зарур ҳолларда Бошқарув тегишли қарорларни назоратдан олиш ёки уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида таклифлар киритилади.

6.11. Бошқарув мажлисининг баённомасидан кўчирмалар қуйидагиларга берилади:

Банк Кенгаши ва Тафтиш комиссияси раисларига уларнинг сўровига биноан мажбурий тартибда;

Банкнинг бошқа мансабдор шахслари ва аудитор сўровига биноан фақат Банк Бошқаруви Раисининг руҳсати билан;

амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахс ва органларга (шу жумладан давлат органларига).

## **VII. Кадрлар сиёсатини амалга ошириш**

7.1. Бошқарув кадрлар сиёсатини юқори малакали раҳбарлар ва ходимларни

жалб килиш ва олиб қолиш стратегиясини, уларнинг Банк низомидаги вазифаларни бажаришдаги жавобгарлигини таъминлашни ишлаб чиқиб, Банк Кенгашига кўриб чиқиш учун киритади ва амалга оширади.

7.2. Кадрлар сиёсати қўйидагиларни ўз ичига олади:

Банкда ишлаш учун мутахассисларни танлаш тизими;  
ходимларни мукофотлаш, рағбатлантириш ва жазолаш тизими;  
ўқитиш ва қайта ўқитиш дастури;

юқори лавозимларда бўш ўринлар пайдо бўлган ҳолларда ворислик сиёсати;  
Банкнинг филиал ва бўлинмалари, бошқарма ва бўлимлари раҳбарларини, мутахассислар ва бошқа ходимларини ишдан бўшатиш мажбурий бўлиб қоладиган ҳолларни аниқлаш;

ходимлар фаолиятини баҳолашнинг расмий жараёни.

7.3. Банк Бошқаруви Банк ва унинг ходимлари ўртасидаги меҳнат муносабатлари ёллашнинг шартнома тизими асосида ташкил этилишини таъминлайди;

7.4. Банк Бошқаруви қўйидагиларни ишлаб чиқиб амалга оширади:

Банк филиаллари, бўлинмалари, бошқарма ва бўлимлари раҳбарлари хизматлари мутахассисларининг ишига баҳо бериш мезонлари;

одоб кодекси ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш чоралари;

Билимсизлиги, ноҳалоллиги, манфаатлар тўқнашуви ёки бошқа сабаблар оқибатида Банк ходимлари ўз зиммаларига юкланган вазифалардан четлаштириладиган шарт-шароитлар рўйхати.

### **VIII. Банк Бошқаруви Раиси ва аъзоларининг жавобгарлиги**

8.1. Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари Банк олдида Бошқарув қонунчилиқка ва Банк Уставига мувофиқ қабул қилаётган қарорлар учун жавобгардирлар.

Овоз беришда қатнашмаган ёки банкка зиён етишга олиб келган қарорга қарши овоз берган Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари жавобгарликдан озод этиладилар.

8.2. Агар Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари акциядорлик жамияти томонларидан бири ҳисобланган битишувдан молиявий манфаатдор бўлган тақдирда, у қарор қабул қилинганга ўзининг манфаатдорлиги тўғрисида хабар беришга мажбур ва овозга қўйилганда қатнашмайди.

8.3. Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари меҳнат муносабатларида йўлга қўйилган хизмат мавқеи имкон берувчи ҳуқуқлардан юридик ва жисмоний шахслар мақсад ва манфаатлари йўлида фойдаланмасликлари керак.

8.4. Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари Банк Бошқарувида қарорлар қабул қилишда таъсир кўрсатганлари учун мукофот олишга ҳақлари йўқ ва банк мол-мулкидан шахсий манфаат кўриш мақсадида ҳаракат қилишга йўл қўймасликлари керак.

8.5. Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари шу лавозимларда ишлаётган даврда, фаолияти Банкка мижозларга хизмат кўрсатишда қийинчилик туғдирувчи бошқа акциядорлик жамиятларини таъсис этиш ва таъсис этишда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари лавозимга тайинланиш жараёнида шу каби корхоналардаги иштирокини тўхтатиши ва бу ҳақда Банк Кенгашига хабар бериши лозим.

8.6. Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари Банк ва унинг акциядорлари олдида ўз бурчларини бажармаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги натижасида Банкка етказган зарарларни тўлиқ ҳажмда қоплаш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Банк Уставига мувофиқ, Банкка етказилган зарарни тўлиқ ҳажмда қоплаш бўйича жавобгардирлар.


8.7. Ҳаммаси бўлиб бир фоиздан кам бўлмаган банкнинг жойлаштирилган оддий акцияларига эгалик қилувчи Банк ёки акциядор (акциядорлар) Банкка етказилган зарарни қоплаш юзасидан судга Бошқарув аъзоси устидан даъво қилиб мурожаат қилиши мумкин.

**“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ**  
**Акциядорларининг навбатдан ташқари**  
**умумий йиғилишининг Раиси**



**С. Ғуломов**

Бошқарув Раиси в.в.б

  
Ж. Обиджонов

Бошқарув  
Раиси ўринбосари

Ш. Якубов

Бошқарув  
Раиси ўринбосари

С. Ходжаев

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи  
департаменти директори –  
бош бухгалтери в.в.б

  
А. Дадаханов

Юридик бошқарма  
бошлиғи

  
Б. Усманов

Иқтисодий таҳлил  
департаменти директори

  
Б. Рахматов

Қимматли қоғозлар билан  
ишлаш бошқармаси бошлиғи

  
У. Газиёв

Ғазначилик бошқармаси бошлиғи

  
Х. Акбаров





**Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг  
2014 йил 13 июндаги 31-сонли баённома қарори билан тасдиқланган янги  
тахрирдаги “Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” акциядорлик тижорат банки  
Бошқаруви тўғрисида”ги Низомга киритилаётган**

**ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

**1. Низомнинг 3.2-банди қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:**

“ҳар чоракда Банк Кенгашига акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган узоқ муддатли стратегияси асосида ишлаб чиқилган қисқа муддатли (йиллик) ва ўрта муддатли (5 йилгача бўлган давр учун) Бизнес режаларининг ижроси бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар ижроси тўғрисида ҳисобот тақдим этади;

Банк Кенгашига Банк таркибига кирувчи корхоналар фаолияти юзасидан уларнинг тасдиқланган бизнес-режасига мувофиқ, бажарилган ишлар ва эришилган кўрсаткичлар тўғрисида ҳисобот тақдим қилади;

ошкор этилиши шарт бўлган ахборотларнинг Банк сайти ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа манбаларда инглиз, рус ва акциядор ҳамда бошқа манфаатдор томонларга, шу жумладан, хорижий инвесторларга қулай бўлган бошқа тилларга таржимаси билан биргаликда эълон қилинишини таъминлайди, шунингдек акциядорлар ва инвесторлар, бошқа манфаатдор шахслар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари билан ўрнатилган тартибда ахборот алмашинувини амалга оширади.”

**2. Низомнинг 3.5-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:**

“Банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда қисқа ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини ишлаб чиқади ҳамда мазкур стратегия асосида Банкнинг қисқа муддатли (йиллик) ва ўрта муддатли (5 йилгача бўлган давр учун) бизнес-режаларини ишлаб чиқиб, Акциядорларнинг умумий йиғилишига ва Банк Кенгашига тасдиқлаш учун киритади.

Бошқарув тасдиқланган бизнес-режани амалга оширишни таъминлайди ва ҳар чоракда Банк Кенгашига унинг бажарилиши ҳақида ҳисобот беради.

Банкни ривожлантиришнинг бизнес-режаси зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадида йилда бир бор қўриб чиқади.”

**3. Низомнинг 3.7-банди йигирма бешинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён қилинсин:**


“Банк Устави ва ривожланиш режасида белгиланган вазифаларнинг сўзсиз бажарилиши учун ўз ваколатига кирувчи, шунингдек Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк Кенгаши ваколатига кирмайдиган масалаларни мустақил қўриб чиқиш ва ҳал этиш.”

Бошқарув Раиси в.в.б.

Ж.Обиджонов



Бошқарув  
Раиси ўринбосари




Ш. Якубов

Бошқарув  
Раиси ўринбосари




О. Алмарданов

Юридик  
бошқарма бошлиғи



Б. Усманов

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи  
департаменти директори –  
бош бухгалтер




О. Вохидов

Ички аудит  
департаменти директори



А. Холов

Иқтисодий таҳлил  
департаменти директори




Б. Рахматов

Банк Бошқарув  
Раиси маслаҳатчиси



Р. Егитов

Акциядорлар билан корпоратив  
муносабатлар ва қимматли қоғозлар  
бошқармаси бошлиғи




У. Газиёв

Ахборот технологиялари бошқармаси  
бошлиғи



А.Кенжаев





Тикилган ва рақамланган

Жами: 2 (ikki) варақдан иборат

Бошқарув Раёсатининг  
ўринбосари О. Алмарданов



*Handwritten signature or mark in blue ink.*